


**ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ**

**ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР**

**RESEARCH AND INNOVATIONS**

**1-СОН**



**ЯНВАРЬ, 2023**

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

1-ЖИЛД, 1-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-1, НОМЕР-1

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-1, ISSUE-1

ТОШКЕНТ - 2023

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-1>

## Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Камалова Д. Э. – филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор  
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор  
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент  
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори  
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор  
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор  
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти  
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор  
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор  
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент  
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент  
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Аскарлов Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

“Тадқиқот ва инновациялар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054912**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.1 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади**.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

*Филология фанлари*

**ХАЙДАРОВ Хасан**

*Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти 3-курс талабаси*

*Илмий раҳбар: СУННАТИЛЛАЕВ Асатилла,*

*Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти*

*Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар*

*тайёрлаш бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7590850>

## **АЛПОМИШ” ДОСТОНИ – МУМТОЗ ЭПОС НАМУНАСИ СИФАТИДА**

*(“Алпомиш” достонининг сюжети ва ўзига хос бадиий қирралари)*

### **АННОТАЦИЯ**

Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди унинг кўп асрлик тарихи, этник хусусиятлари, дунёқараши, урф-одатлари, ижтимоий-маиший турмушини поэтик ифодаловчи тарихий-бадиий, эстетик ходисадир. У ўзбек халқининг асрлар бўйи умуминсоний қадриятларга ҳисса қўшиб келган миллий маънавиятининг таркибий қисми ҳамдир. Бунда энг мўъжаз мақолдан тортиб, улкан ҳажмлардаги достонларнинг ҳам ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. “Алпомиш” достонида қадимда ота-боболаримиз амал қилган урф-одатлар, удумлар, гўзал тил, жозибали нутқ, бетакрор тасвирий ифодалар билан етказиб берилганки, бугунги ёшларимизга уни сингдириш, уларни бу удумлар билан таништириш ўзликни англашга ундаш билан бирга, халқ тили қудратини ҳам ҳис этишга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Алпомиш, достон, бахши, сюжет, халқ, маънавият.

### **АННОТАЦИЯ**

Устное творчество каждого народа - это историко-художественное, эстетическое явление, поэтически выражающее его многовековую историю, этнические особенности, мировоззрение, традиции, социально-бытовой уклад. Это также составляющая национальной духовности узбекского народа, которая веками вносила свой вклад в формирование общечеловеческих ценностей. В этом, из самой чудесной пословицы, эпосы огромных объемов также имеют свое место и значение. Эпос “Алпомыш” наполнен традициями, преданиями, преданиями, красивым языком, привлекательной речью, уникальными изобразительными выражениями, которые в древние времена практиковались нашими предками, чтобы привить это нашей молодежи сегодня, познакомить их с этими одумами, одновременно поощряя их к осознанию идентичности, это также служит для того, чтобы почувствовать силу народного языка.

**Ключевые слова:** Алпомыш, эпос, бахши, сюжет, народ, духовность.

## ANNOTATION

The oral creativity of each people is a historical-artistic, aesthetic phenomenon that poetically expresses its centuries-old history, ethnic characteristics, worldview, traditions, socio-household life. It is also a component of the National spirituality of the Uzbek people, which has contributed to universal values for centuries. In this, from the most miraculous proverb, epics of huge volumes also have their place and significance. The epic “Alpamish” is delivered with traditions, traditions, traditions, beautiful language, attractive speech, unique pictorial expressions, which in ancient times were practiced by our ancestors, in order to instill it in our youth today, to acquaint them with these Odums, while encouraging them to realize identity, it also serves to feel the power of the people's language.

**Keywords:** Alpamish, epic, bakhshi, plot, people, spirituality.

Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди унинг кўп асрлик тарихи, этник хусусиятлари, дунёкараши, урф-одатлари, ижтимоий-маиший турмушини поэтик ифодаловчи тарихий-бадий-эстетик ҳодисадир. У ўзбек халқининг асрлар бўйи умуминсоний қадриятларга ҳисса қўшиб келган миллий маънавиятининг таркибий қисми ҳамдир. Бунда энг мўъжаз мақолдан тортиб, улкан ҳажмлардаги дostonларнинг ҳам ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Ўзбек фольклори бугунги кунда ҳам ёш авлод таълим-тарбиясига хизмат қилмоқда.

“Алпомиш” достони ўзбек халқининг энг миллий асари. Туркий урф-одатлар, тафаккур тарзи, миллий руҳ дostonнинг ҳар сатрига сингиб кетган. Афсуски, бу хусусиятлар олимларимиз томонидан узоқ вақтгача пайқалмай ёхуд тилга олинмай келинди. Чунки, умуман, халқ оғзаки ижодига доир ҳар қандай асарга, хусусан, дostonларга қаэрлардадир тайёрланган қолиплар асосида ёндашишга одатланилган эди. Миллий адабиётшуносликда фольклор асарларини тадқиқ қилишга доир ғалатибир тамойил бор: халқимиз томонидан узоқ ўтмишда яратилган воқеа-ҳодисалар кейинчалик ўйлаб топилган қолипларга мажбуран мослаштирилади. Албатта, фанда типология жуда ҳам керак ва усиз илм бўлмайди. Ахир ҳамма маконлардаги ва ҳамма замонлардаги одамларда умумий, универсал хусусиятлар бўлгани каби улар томонидан яратилган оғзаки асарларда ҳам типологик жиҳатларнинг борлиги уларни ҳаммаша бир назарий қолипга тикиштириб талқин этишга асос бермайди. Бу ҳол фольклоршуносликка бағишланган ишларнинг илмий қимматини оширмайди ҳам.

“Алпомиш” ўзига хос халқимизнинг қадимий тарихий тафаккури маҳсулидир. Халқ оғзаки ижодининг бошқа шакллари каби “Алпомиш” достони ҳам ўзида катта бир даврни камраб олган (VI-VII асрнинг иккинчи ярми – XIV-XVI асрлар) ривожланишнинг мураккаб тарихий жараёни намунаси саналади. Дostonнинг “Қўнғирот” версияси XVI асрдан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубий регионларида тарқалган бўлса, XX асрнинг ўрталарида буюк дostonнавис Фозил Йўлдош ўғли ижросида бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг ёйилди. “Алпомиш”да туркий қабилаларнинг исломни қабул қилиши ҳақидаги тарихий факт тасвирланган. Икки ака-ука Бойбўри билан Бойсарни мусулмонлар учун фарз бўлган закот тўлашга турли хил муносабатлари боис тортишиб қоладилар.

Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,  
 Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош,  
 Барчинойим бўй етгандир қаламқош,  
 Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош,  
 Қўнғирот элдан молга закот келибди,  
 Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!  
 Қурсин Ҳакимбеги мулла бўлибди,  
 Безакот молларни ҳаром билибди,  
 Қўнғирот элдан молга закот келибди,  
 Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош [1, В.19].

Бойбўри укаси Бойсаридан кўп мингли отаридаги энг ёмон қўйларни закот тариқасида тўлашини айтади. Лекин акасининг бу талаби укасини фикрича, улар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқни поймол қилгандай туюлиб, элчиларнинг ярмини ўлдирди, ўзи эса элу элати билан кўч-кўронини йиғиштириб, қалмиқлар юртига кўчиб кетади.

Қулоқ солинг Бойсаринг тилига,  
Кўчиб кетай мен ҳам Кашал элига.  
Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,  
Семурғ қушлар салом берар қошиг,  
Банда кўнар тангри қилган ишига,  
Қулоқ солинг Бойсари нолишига [1, Б.19].

“Кунлардан бир куни Ҳақимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди”. Шунда Бойбўри ўғлидан сўрайди: “Киши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади?” Илми ҳикмат билан илми давлатдан сабоқ олаётган Ҳақимбек отасига сахийлик билан бахилликнинг уч турини санаб кўрсатади: биринчиси – меҳмоннинг кўнглини хушлаб жўнатиш сахийлик, жой бўла туриб меҳмонни “жой йўқ” деб қайтариш бахиллик, иккинчиси – мазоротнинг қошидан ўтаётиб марҳумларнинг ҳақиға дуо қилиш сахийлик, дуо қилмаслик бахиллик. Ниҳоят, учинчисини Ҳақимбек шундай таърифлайди: “Кешининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан”.

Аслини олганда, инсон ҳаётида унинг табиатан сахий ёки бахиллигини аён кўрсатувчи аломатлар беҳисоб, албатта. Нега Ҳақимбек, умуман, ўзбек халқи шулардан фақатгина уч турини алоҳида ажратиб кўрсатяпти? Чунки ҳар бир инсон, халқ ва давлат тақдиридаги энг муҳим, ҳал қилувчи жиҳатлар мана шулар, шу уч ҳаётий муаммога муносабат йўсинидир. Лекин Бойбўрини, дейлик, меҳмондўстлик ва ё аждодларга эҳтиром масалалари эмас, учинчи масалагина қизиқтиради. Диққатни айна шу масалага қаратиб ўзича ўйлайди: “Мен ўн олти уруғ Кўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман? Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин”.

Шундай ўйлаб, ўн тўрт маҳрамини шундай буйруқ билан жўнатади: “Бойсари ўз розичилиги билан бир чичқоқ улоқни закот деб менга берсин, закот ўрнига ўтар-да, Бойсари бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин”. Ўз навбатида маҳрамлар бу буйруқни укаси Бойсарига шундай шамоийлда етказдилар: “Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молингни закот қиламиз. “Закот қилинглар, берса закотини олиб келинглар”, деб юборган”. Кайф-сафо авжида ўтирган Бойсари эса, бу томдан тараша тушгандек гапларни эшитиб, “Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да!” дея аччиғланиб маҳрамлардан еттовининг қорнига қозиқ қоқиб ўлдирди, еттовининг қулоқ-бурнини кесиб, ўзларига егизиб, отига чаппа мингизиб, отнинг устига тортиб бойлаб, акасининг ҳузурига ҳайдаб юборди: “Мана буни закот деб айтади”.

Шунда ҳам аччиқ-алами тарқамай, ўн минг уйли Кўнғирот элини бошлаб, Бойсин-Кўнғирот халқини қоқ иккига бўлиб, қалмоқлар юртига бош олиб кетди. “Алпомиш” достони қаҳрамонлик эпоси эканлиги барчамизга маълум. Халқ оғзаки ижоди намуналарида воқеликнинг жуда муболағали тасвири ва қаҳрамонларга муносабатда ҳаёт ҳақиқатига зидликни кузатиб келганмиз. “Алпомиш” достони ҳам муболағавийликда бошқа дostonлардан қолишмайди. Аммо асардаги ижтимоий муносабатларни кузатадиган бўлсак, асар воқелигининг оддий ҳаётий турмушга нақадар яқинлигини англаймиз. Бу хусусиятни биз сюжетнинг динамик ривожини таъминлаб турувчи конфликтларда яққол кузатамиз.

Асарнинг илк конфликтини олайлик: Бойбўри ва Бойсари тўйга боради. Тўйда уларни иззат-икром билан меҳмон қилишмайди. Сабаби уларнинг фарзанди бўлмай, халқ уларнинг тўй-тамоша қилиб бу ҳурматни, нозу неъматларни қайтаришига ишонмайди. Бу асардаги биринчи конфликт бўлиб, сюжетдаги барча воқеликнинг бошланиш омили ҳисобланади. Тўйда Бойбўри ва Бойсарибийларга бўлган муносабат ҳеч ҳам сунъий эмас, аксинча кишиларнинг муносабатида тез-тез кўзга ташланувчи табиий ҳодисадир.

Дostonнинг бугун сюжети учун тугун бўлувчи кейинги ҳодисага эътибор қилайлик. Закот сўраш воқеаси ва ундаги конфликт ҳам жудаям табиий тарзда тасвирланади.

Умуман Бойбўрининг закот олиш кераклиги ҳақида ўй суриши: “укам гуноҳкор бўлиб қолмасин” дея иш тутиши воқеаларини эсга олайлик. Бир қарашда, бу ўринда укасининг охиратидан қайғураётган акани кўрамиз.

Мулоҳаза юритилса, шаклланиб келаётган ҳокимият бошлигининг ўз ҳаққини қарздорларга эслатиб ўтишдаги илк қадамни ҳам сезишимиз мумкин бўлади. Бу эса давлатчилик қонуниятларини ёдга солишлик билан бир қаторда, ижтимоий муносабатлардаги асл зиддият (кучлининг кучсиз билан алоқаси)ни ҳам намоён қилади.

Сухайл кампир ҳам юртдаги обрўйи, куч-қудратидан келиб чиқиб, бойларга дабдурусдан зўрлик қилиб, Барчинни тортиб олмоқчи бўлмади. Сухайл бойникига совчи бўлиб боради. Уй олдида итларнинг талаганига қарамай келин орзусидаги кампирнинг жаҳли чиқмайди, мулозамат билан Бойбичадан “қизингнинг боши очикми” дея сўрайди. Қарангки, дostonнинг бу қисмида Сухайл ва бойларнинг илк зиддиятли муносабатига асос солинади. Аҳамиятлиси шундаки, Бойбичадан аччиқ ҳақоратлар эшитганига қарамай, кампир меҳмонлигини унутмайди. Расм-русмини қилиб олдида тортилган ошдан “икки гуруч” бўлса-да татиб қўяди. Яъни, Бойбича айни вақтда душманга айланган бўлса-да, у мезбон, кампирни кува солмайди – меҳмонга ош тортди. Кампир эса меҳмон саналиб, душманини эмас, мезбонни ҳурмат қилишга маҳкум. Назарда тутаётган қаҳрамонга ҳаққоний муносабат реалистик асарларга ҳосдир. Аммо “Алпомиш” дostonида қаҳрамонларга муносабат реалистик метод томоийллари остида кичади.

Кўкаманининг Барчин билан илк муносабатида пайдо бўлган конфликтга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлиш мумкин: Кўкамани Барчинни кўриб қоларкан зўрлик қилиб олиб қочишни ўйламади (балки “бунга имконим бор” деб билса ҳам). У “бориб қимиз сўрай – берса уни оламан, сув берса қуруқ қоламан” деган мақсадда бўлади. Барчинга “гап отар”кан унинг нутқида дағалликни кўрмайсиз.

Алпларнинг барчинга оғиз солиши ҳам табиийдир. Чунки, Барчиндай гўзал ва бойвачча кизга фақатгининг юртнинг энг олди алплари лойиқ эди.

Алпларнинг талаби ўринли бўлиб, Барчин ҳақиқатдан ҳам кимгадир тегишга мажбур. Ваҳолангки, у айтаётган Алпомишдан ҳали дарак бўлмаса. Алплар нега б ойлик муҳлатга кўнади? Чунки салбий қаҳрамон бўлмасин, уларда алпларга хос мардлик хусусияти бўлиши табиийдир.

Натижада бешиккerti қилиб қўйилган Алпомиш (Бойбўрининг ўғли) билан Ойбарчин (Бойсарининг кизи) айрилиқ домига тушишади. Дostonда мусулмон турмуш тарзи, ахлоқ қоидалари ва расм-русумларига оид жуда кўп тафсилотлар келтирилган.

Қадимий эпик анъаналарни ўзида мужассам этган дostonлар халқимизнинг мифологик тасаввурлари, эътиқодий қарашлари, турмуш тарзи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирганлиги учун ёш авлодга кучли бадиий-эстетик таъсир кўрсатиш имконига эга. Уларни тадқиқ ва тарғиб қилиш орқали миллатимиз маънавияти ва маданияти тарихига оид кўпгина маълумотларни билиб олиш мумкин. Шунинг учун дostonларнинг ўзига хос бадиий хусусиятларини чуқур ўрганиш халқимиз бадиий тафаккурининг қонуниятларини янада теранроқ англашга хизмат қилади.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Алпомиш (Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони). Шарқ, НМАК Бош таҳририяти, Тошкент-2010 й.
2. Мирзаев Т., Турдимов Ш., М.Жўраев., Ж.Эшонқулов., А.Тиловов. Ўзбек фольклори: дарслик / Масъул муҳ. Фил.ф.н., дотс. Мадаев О. Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2020 й.

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-I

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)